



**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergositish” АЖ
Ягона акциядорининг
2026 йил 21 майдаги
2-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSOTISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
2025 -2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ
СТРАТЕГИЯСИ**

Тошкент – 2026 йил

МУНДАРИЖА

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2.	ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА ЖАМИЯТНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ ЎРНИ	5
3.	ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА БЎЛАДИГАН ИСТЕЪМОЛ ТАЛАБИ ДИНАМИКАСИ ПРОГНОЗИ	7
4.	ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ РАҚОБАТЛИ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ БОҚИЧЛАРИ ВА УШБУ ЖАРАЁНДА “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ”АЖНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	8
5.	ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ РАҚОБАТЛИ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШ ДАВРИДА “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АЖНИНГ УЧ ТАРАФЛАМА ЕТАКЧИЛИК СТРАТЕГИЯСИ	12
6.	“ЎЗЭНЕРГОСОТИШ”АЖНИНГ СТРАТЕГИК КОРПОРАТИВ МИССИЯСИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ	15
7.	“ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АЖ СТРАТЕГИЯСИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР	15

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “O‘zenergositish” АЖнинг 2025-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси (кейинги ўринларда – **Стратегия**) “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли Фармони билан тасдиқланган “2023-2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепцияси” ҳамда 2025 йил 30 апрелдаги ПФ-74-сонли ва 2025 йил 29 августдаги ПФ-152-сонли Фармонлари асосида ишлаб чиқилган. Унда электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг асосий босқичлари даврида “O‘zenergositish” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) хўжалик жамияти сифатида иқтисодий ва молиявий барқарор ривожланишининг муҳим шартлари ва комплекс чора-тадбирлари кўзда тутилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сон Фармонига биноан Жамиятга қуйидаги асосий функционал вазифалар юклатилган:

- дастлабки босқичда электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи бозори механизмига ўтиш даврида электр энергияси ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ва йирик истеъмолчиларга белгиланган тарифларда сотиш;

- кейинги босқичда электр энергиясини “онлайн савдо” платформасида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархда сотиш;

- электр энергиясининг экспорт ва импорт операцияларини шартномалар асосида амалга ошириш.

3. Стратегиянинг асосий мақсади - электр энергетикаси соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар даврида Ҳукумат ва Ягона акциядор тарафидан Жамиятга юклатилган функционал вазифаларни тўлақонли, тўғри ва қатъий бажарилишини таъминлаш орқали шаффоф ва рақобатли электр энергияси бозорини яратишга ўз салмоқли ҳиссасини қўшиш ҳисобланади.

4. Стратегия қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олади:

- ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда республика бўйича барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши жараёнида ортиб бораётган электр энергияси талабини Жамиятга берилган ваколатлар доирасида қондириш;

- электр энергетикаси соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини оширишда ўз хиссасини қўшиш;

- электр энергетикаси соҳасида шаффоф ва рақобатли муҳитни яратишда иштирок этиш;

- электр энергиясининг адолатли нарх ва тарифларда сотилишини таъминлашда ўзига юклатилган вазифаларни бажариш.

5. Стратегияда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **бозор оператори** – бозорни шакллантириш ҳамда унинг хавфсиз ва самарали ишлаши учун бозор иштирокчилари номидан электр энергиясини сотиш ва (ёки) сотиб олишни ташкил этиш учун масъул бўлган юридик шахс;

- **ваколатли истеъмолчи** – электр энергияси таъминотчисини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган истеъмолчи;

- **йирик истеъмолчи** – электр энергиясининг улгуржи бозорида ишлаб чиқарувчилардан ёки электр энергиясининг чакана бозоридаги бир ва ундан ортиқ таъминотчилардан электр энергиясини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган истеъмолчи;

- **марказий харид қилувчи** – электр энергиясини марказлашган тарзда сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс (“O‘zenergosotish” АЖ);

- **мустақил ишлаб чиқарувчи** – электр энергиясини узоқ муддатли кафолатланган сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзоламаган, лицензия асосида фаолият юритадиган хусусий электр энергиясини ишлаб чиқарувчи хусусий корхона;

- **таъминотчи** – электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб бериш (сотиш) билан шуғулланадиган корхона (амалда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Энергосавдо” филиали);

- **тайинланган таъминотчи** (“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Энергосавдо” филиали) – таъминотчини танлаш имкониятига эга бўлмаган истеъмолчиларга кафолатланган тарзда ёки ваколатли истеъмолчининг мурожаатига кўра электр энергиясини етказиб бериш (сотиш) билан шуғулланадиган корхона;

- **тақсимлаш тизими операторлари** – Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги томонидан бериладиган лицензия асосида муайян худудда электр энергиясини тақсимлаш фаолиятини юритиш, бунда тақсимлаш тизимини эксплуатация қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган, устав фондидаги давлат улуши юз фоиз бўлган акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган электр энергетикаси корхоналари;

- **трейдер** – ишлаб чиқарилган электр энергиясини улгуржи бозорда харид қилувчи хусусий корхона;

- **узатиш тизими оператори** – Ўзбекистон Республикасида узатиш тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ваколатига эга бўлган юридик шахс (амалда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ);

- **Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (Регулятор)** – қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритувчи ва энергетика бозорини тартибга солувчи ҳамда барча бозор иштирокчиларига лицензия берувчи орган.

II. ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА ЖАМИЯТНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ ЎРНИ

6. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолиси томонидан электр энергиясига бўлган талаб сўнгги 7 йилда 1,6 баробар ошган ва **83 млрд кВт/соатга** етган. Таҳлилларга кўра, **2030** йилга қадар иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланишини инобатга олган ҳолда, электр энергиясига талаб қўшимча **40 млрд кВт/соатга** ошиши мумкин.

7. Сўнгги йилларда (2019-2024 йиллар) халқаро молия институтлари экспертлари билан ҳамкорликда ислохотларнинг дастлабки фаол фазаси амалга оширилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилган ҳамда вертикал интеграллашган “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти функционал тамойилига кўра, тегишли фаолият турлари билан бевосита шуғулланадиган қуйидаги корхоналарга ажратилган:

- **“Иссиқлик электр станциялари” АЖ** – иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи ташкилот;

- **“Ўзбекгидроэнерго” АЖ** – сув-энергетика ресурсларининг ягона бошқарув тизимини шакллантирувчи ва гидроэнергетика объектларини марказлашган технологик бошқарувчи ташкилот;

- **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ** (кейинги ўринларда – “Ўзбекистон МЭТ” АЖ) – узатиш тизими оператори функциясини ўзида мужассам этган ташкилот;

- **“Худудий электр тармоқлари” АЖ** (кейинги ўринларда – “ХЭТ” АЖ) – тақсимлаш тизимларига эгалик қилувчи, унинг тизим ташкилотлари ҳудудларда тақсимлаш тизимлари операторлари функциясини ва электр энергиясини истеъмолчиларга сотиш функциясини бажарувчи ташкилот.


Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорига мувофиқ электр энергиясига бўлган талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширувчи юридик шахс - **“Миллий диспетчерлик маркази” ДУК** (Тизим оператори) ташкил этилган.

Бундан ташқари энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш, электр энергиясини марказий харид қилиш ҳамда уни истеъмолчиларга сотиш вазифаларини бажарувчи идоралар ташкил этилди. Булар:

- **Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги** – (кейинги ўринларда – Энергетика бозори регулятори) электр энергияси бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи;

- **“Ўзэнергосотиш” АЖ** – республика бўйича **марказий харид қилувчи** функциясини ўзида мужассам этган ташкилот.

Электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беришнинг амалдаги (2025 йилнинг 1 октябрга қадар) схемаси



8. Электр энергетикаси соҳаси қонунчилиги тубдан янгиланди, хусусан “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”, “Электр энергетикаси тўғрисида” ва “Энергияни тежаш, ундан оқилон фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

9. Электр энергетикаси тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ушбу соҳага хусусий инвестицияларнинг жалб қилинишига замин яратилди. Жумладан, 2019-2024 йиллар мобайнида умумий қиймати 25,2 млрд долларлик, қуввати 24 ГВт га тенг бўлган 44 та электр станциясини қуриш бўйича инвесторлар билан келишувларга эришилган.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ функциялари иккига ажратилиб, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ – электр энергиясини ташиш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистраль электр энергияси узатиш тизими оператори ҳамда “Ўзэнергосотиш” АЖ – электр энергиясини марказлашган тартибда *харид қилиш ва сотиш* функциясини бажарувчилар этиб белгиланди.

“Ўзэнергосотиш” АЖ ишлаб чиқарувчи корхоналардан (17 та иссиқлик электр станцияси, 3 та иссиқлик электр маркази, 57 та гидроэлектр станцияси, 11 та қуёш электр станцияси ва 5 та шамол электр станцияси) электр энергиясини марказлашган тарзда **харид қилмоқда** ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва бошқаларга белгиланган тартиб ва тарифларда **сотмоқда**.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан республика бўйлаб электр энергиясини узатиш тизимини эксплуатация ва ривожлантириш, магистраль электр тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, республиканинг яшил иқтисодиёт бўйича умумий мақсадлари ва режаларига эришиш мақсадида, шунингдек, мамлакатда экологик вазиятини яхшилаш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари потенциалидан кенг фойдаланиш, бунда **2030 йилда** қуёш ва шамол электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг улушини умумий электр энергияси улушида **40 фоизга** етказиш режалаштирилган. Бу электр энергетикаси соҳаси ривожланиши учун асосий таянчлардан бири бўлади.

Соҳада амалга оширилган дастлабки ислохотлар натижасида йилига қўшимча **15 млрд кВт.соат** электр энергияси ишлаб чиқарила бошланган.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА БЎЛАДИГАН ИСТЕЪМОЛ ТАЛАБИ ДИНАМИКАСИ ПРОГНОЗИ

10. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилаётган лойиҳалар асосида яратиладиган қувватлар прогнози:

Жадвал 10.1.

Қуёш ФЭС	Йиллар	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Йил якунида умумий қувват	МВт	500	2 497	4910	5 875	6 275	7 775	7 775	7 775

Жадвал 10.2.

Шамол ЭС	Йиллар	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Йил якунида умумий қувват	МВт	100	700	1 652	2 452	3 902	6 052	8 702	9 852

Жадвал 10.3.

ИЭС	Йиллар	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Йил якунида умумий қувват	МВт	3 254	4 174	6 298	6 298	7 888	7 888	7 888

Жадвал 10.4.

Энергия сақлаш тизимлари	Йиллар	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Йил якунида умумий қувват	МВт	300	2 382	3 157	4 125	4 425	4 525	4 525

11. 2030 йилга қадар электр энергиясини истеъмол қилишнинг асосий прогноз кўрсаткичлари:

млрд.кВт.с

Кўрсаткичлар номи	2025й.	2026й.	2027й.	2028й.	2029й.	2030й.
Электр энергиясига бўлган умумий талабнинг ҳажми	82,25	84,72	89,73	93,16	98,89	104,55

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ РАҚОБАТЛИ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ БОҚИЧЛАРИ ВА УШБУ ЖАРАЁНДА “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ”АЖНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

13. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмлариغا ўтиш **3 босқичда** амалга оширилади.

14. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмлариغا ўтишнинг ҳар бир босқич шартлари тўлиқ бажарилганидан кейин навбатдаги босқичга ўтилиши белгиланган.


15. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмлариغا ўтишнинг биринчи босқичи (**икки томонлама шартномалар босқичи**) **2025 – 2026** йилларда амалга оширилади.

16. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмлариغا ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги асосий чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур босқич учун бозор қоидалари тасдиқланади ва электр энергияси бозори иштирокчилари мазкур қоидалар асосида фаолият юритади;

- электр энергияси бозори иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш тартибига асосан Энергетика бозори регулятори томонидан лицензиялаш жараёни бошланади;
- “Ўзэнергосотиш” АЖ томонидан ягона харидор сифатида электр энергиясини сотиб олиш битимлари ва шартномалар қайта расмийлаштириш якунланади;
- “Ўзэнергосотиш” АЖга электр энергияси савдоси операцияларини амалга оширувчи бозор операторининг вазифалари юкланади;
- “онлайн савдо” платформасининг синов-тажриба тариқасида ишлайдиган версияси ишга туширилади;
- электр энергиясининг импорти ва экспорти “Ўзэнергосотиш” АЖ томонидан амалга оширилади.

1-босқич - “Икки томонлама шартномалар асосидаги харидлар” босқичида (кафолатланган харид қилувчи) электр энергиясини истеъмолчиларига етказиб бериш схемаси



17. Ушбу биринчи босқичда электр энергияси савдоси ва хизмат кўрсатиш қуйидаги шаклда амалга оширилади:

а) Давлат улуши (капитали) 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар электр энергиясини марказий харид қилувчига (“Ўзэнергосотиш” АЖ) ваколатли орган томонидан белгиланган тарифларда сотади.

б) Электр энергияси сотиб олиниши кафолатланган хусусий ишлаб чиқарувчилар (электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга асосан) электр энергиясини марказий харид қилувчига (“Ўзэнергосотиш” АЖ) ўзаро келишилган (битимларда белгиланган) нархда сотади.

в) Электр энергияси сотиб олиниши давлат томонидан кафолатланмаган мустақил ишлаб чиқарувчилар (узоқ ва қисқа муддатли икки томонлама шартномага эга бўлган) электр энергиясини:

- йирик истеъмолчига ўзаро келишилган нарх асосида сотади. Бунда электр энергиясини узатиш ва (ёки) тақсимлаш хизматидан фойдаланганлик учун тўлов шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи ёки йирик истеъмолчи томонидан амалга оширилади;

- марказий харид қилувчига (“Ўзэнергосотиш” АЖ) белгиланган тарифларда сотади.

д) Марказий харид қилувчи (“Ўзэнергосотиш” АЖ):

- электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторларига, ишлаб чиқарувчиларга, тайинланган таъминотчига ва йирик истеъмолчиларга белгиланган тарифларда сотади;

- электр энергиясини сақлаш тизимларига (электр энергиясини сақлаш хизматини амалга оширишда сарфланиши лозим бўлган электр энергиясидан ортган қисмини қоплаш мақсадида) электр энергиясини сақлаш хизматини кўрсатиш битимларига асосан уларда белгиланган нархда сотади;

- хорижий мамлакатларнинг ваколатли компаниялари билан тузилган шартномалар асосида экспорт ва импорт операцияларини амалга оширади.

е) Узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторлари томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажми тўлиқ узатилади ва тақсимланади ҳамда электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш жараёнидаги технологик сарф ўрни улгуржи бозордан харид қилиш орқали қопланади.

ж) Электр энергиясини сақлаш тизими операторлари марказий харид қилувчига (“Ўзэнергосотиш” АЖ) электр энергиясини сақлаш хизматини кўрсатиш битимларида белгиланган шартларда электр энергиясини сақлаш хизматини кўрсатади.

18. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг **иккинчи босқичи** (кейинги кун учун савдолар босқичи) **2026 - 2028** йилларда амалга оширилади.

19. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг иккинчи босқичида қуйидаги асосий чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- бозорнинг янги иштирокчилари Энергетика бозори регуляторидан бозорда иштирок этиши учун лицензия олади;

- республиканинг барча ҳудудларида 14 та хусусий тақсимлаш тизими операторлари фаолияти йўлга қўйилади;

- республиканинг синов тариқасида танланган ҳудудларида электр энергиясини сотиш билан шуғулланадиган хусусий таъминотчи чакана савдо компаниялари ташкил қилинади;

- улгуржи бозорда электр энергиясини харид қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган хусусий компаниялар – трейдерлар фаолияти йўлга қўйилади;

- ишлаб чиқарувчилар электр энергиясини онлайн савдо платформаси орқали улгуржи бозорда йирик истеъмолчиларга, таъминотчиларга, “Энергосавдо” корхонасига ва трейдерларга талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда сотади;

- электр энергиясининг импорти ва экспорти операцияларини амалга ошириш фаолиятини юритиш бўйича Энергетика бозори регулятори томонидан лицензиялар берилади;

- “Ўзэнергосотиш” АЖ ва трейдерлар электр энергиясини онлайн савдо платформаси орқали таъминотчиларга, “Энергосавдо” корхонасига ва йирик истеъмолчиларга талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда **сотади**;

- электр энергиясининг барча савдо операциялари ўрнатилган тартибда онлайн савдо платформаси орқали амалга оширилади.

2-босқич — “Кейинги кун учун савдолар” босқичида электр энергиясини истеъмолчиларига етказиб бериш схемаси



20. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг **учинчи босқичи** (кун ичи (соатбай) савдолар босқичи) **2029-2030** йилларда амалга оширилади.

21. Электр энергиясининг рақобатли улгуржи ва чакана бозори механизмларига ўтишнинг учинчи босқичида қуйидаги асосий чора-тадбирлар амалга оширилади:

- бозор оператори томонидан электр энергияси кун ичи (соатбай) чакана бозорида фаолият юритиб келаётган ва бозорга кириш истагида бўлган иштирокчиларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи клиринг операциялари орқали таҳлил қилинади ва бозорда иштирок этишга лойиқлик даражаси баҳоланади;


- ишлаб чиқарувчилар электр энергиясини онлайн савдо платформаси орқали улгуржи бозорда ваколатли истеъмолчилар, тайинланган таъминотчи, трейдерлар ва таъминотчиларга талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда соатбай сотади;

- ДХШ тамойили асосида фаолият юритадиган электр станциялари электр энергиясини электр энергиясининг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига (шу жумладан Ўзэнергосотиш"АЖ) узоқ муддатли битимлар асосида сотади.

- электр энергиясининг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан Ўзэнергосотиш"АЖ) электр энергиясини ваколатли истеъмолчиларга, тайинланган таъминотчи ва таъминотчиларга талаб ва таклиф асосида шаклланган нархларда сотади;

- тайинланган таъминотчи электр энергиясини Регулятор томонидан белгиланган тарифларда истеъмолчиларга сотади.

3-босқич — “Кун ичи (соатбай) савдолар” босқичида электр энергиясини истеъмолчиларига етказиб бериш схемаси



V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ РАҚОБАТЛИ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА БОЗОРИ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШ ДАВРИДА “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АЖНИНГ УЧ ТАРАФЛАМА ЕТАКЧИЛИК СТРАТЕГИЯСИ

22. Уч тарафлама етакчилик Жамиятнинг муваффақияти уч тарафлама етакчилик стратегиясини амалга ошириш имконияти, ҳар уч йўналишда етакчилик қилиш қобилиятини реализация қилишга боғлиқ бўлади. Ушбу стратегия билан қўйилган мақсадларга эришиш, рақобатбардош имтиёزلарни сақлаб қолиш учун, Жамият қуйидагиларга риоя қилиши ва кучайтириши керак:

- энергетика бозоридаги етакчилик;

- инновациялардаги етакчилик;
- хизмат кўрсатишдаги етакчилик.

Жамиятнинг ҳозирда электр энергияси бозоридаги эгаллаб турган ўрни даромадни янги бозорларга чиқиш, асосан электрон тижоратнинг истиқболли бозорига чиқишга йўналтирилган инновацияларни молиялаштириш учун умумлаштириш ва ишлатиш имконини беради.

Жамиятнинг инновация, инновацион ёндашув ва Жамият томонидан киритилаётган ечимлар, унинг янги ахборот тизимларига мижозларни жалб қилишга замин яратади.

Хизмат кўрсатишда, юқори сифатли хизматлар кўрсатишда етакчилик эвазига, бу мижозлар сақлаб турилади, мижозлар сони ошиб боради ва шу тариқа энергетика бозорида барқарор етакчилиكنи таъминлайди.

23. Бозордаги етакчилик. Ҳозирги кунга келиб, Жамият энергетика тизими корхоналари орасида электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчиси сифатида ўзига юклатилган функционал вазифаларни тўлақонли бажарилишини таъминлашга интилмоқда.

Давлатнинг Жамият устав капиталида иштирок этиши, шунингдек давлатнинг электр энергияси бозорида тиниқлик ва рақобат, ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этишни таъминлаш бўйича сиёсатининг асосий ўтказувчиси сифатидаги роли, Жамиятнинг электр энергияси бозоридаги тутган ўрнини мустаҳкамланиб боришида замин яратади.

Шу билан бирга, электрон тижоратнинг ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунчилик актлари воситасида жадал ривожланиши, Жамиятнинг етакчилигига чақирув ташлаётган эҳтимолий (салоҳиятли) рақобатчиларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин ва олиб ҳам келади. Бунда Республикада кундан-кунга шаклланиб келинаётган электр энергиясининг улгуржи (**Wholesale market**) ва чакана (**Retail market**) бозорларини ривожланиш тенденцияларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш билан бирга, ушбу бозорларда ўз ўрнига эга бўлишни тақозо этмоқда.

Вақт (давр) чақирувлари ҳолатнинг бундай ривож ва ушбу чақирувларга ягона мақбул жавоб бўлиб – инновацияларни жорий этиш ва энергетика бозори қоидаларига тўла-тўқис риоя этиш, компанияни нафақат бугунги кундаги электр энергиясини марказий харид қилувчисидан, балким келгусида Энергетика бозорида камида 2-3 турдаги хизматларни (таъминотчи, трейдер, тайнланган таъминотчи) амалга ошира оладиган кўп функцияли компанияга айлантирилишини талаб этади.

24. Инновациялардаги етакчилик. Инновациялардаги етакчилик технологик ва бизнес инновацияларни доимий ва заифлаштирилмаган ҳаракатлар билан жорий этиш ва амалдаги ахборот тизимларини модернизациялашни назарда тутди ва бу бозордаги етакчилиكنи сақлаб туриш ва мустаҳкамлашни кафолатлайди.

Жамиятдаги мавжуд инсон, молиявий ва ташкилий потенциал (салоҳият) инновацияларни киритиш масалаларида етакчиликка эришишга таяниш имконини беради.

Жамият дунё электрон тижоратини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, энг сўнгги технологик ишланма, янги бизнес йўналишларни топиш мақсадида, уни мониторинг қилиш ниятида.

Доимий мониторинг предмети бўлиб – шунингдек дунё етакчилари томонидан жорий этилаётган корхоналарни бошқаришнинг энг сўнгги амалиёти ва маркетинг стратегиялари (бизнес-инновациялар) хизмат қилади.

Жорий этилаётган инновациялар биринчи ўринда аввало Жамият хизматларидан фойдаланаётган ва жалб қилинган мижозларни сақлаб қолишга, уларнинг лояллигини (содиклигини) таъминлашга ва юқори сифатли хизмат кўрсатишга қаратилади.

Бунда Жамиятда 2026-2027 йиллардаёқ Бухгалтерия ва молиявий ҳисобот жараёнларини автоматлаштириш тизимини (бухгалтерия учун ERP модули), Ишлаб чиқариш жараёнларини реал вақт режимида кузатиб бориш ва таҳлил қилиш тизимини (SCADA ёки MES платформаларини), Компания бюджети ва харажатларини режалаштириш ҳамда таҳлил қилиш учун бизнес таҳлил (Business Intelligence - BI) платформасини) ахборот тизимларини жорий этишни тақозо этади.

25. Хизмат кўрсатишдаги етакчилик. Хизмат кўрсатишдаги етакчилик деганда – Жамиятнинг муваффақият калит омили сифатида рақобатчилар билан солиштирганда ва мижозлар тахминлари нуктаи назаридан мижозларга энг юқори сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиши тушунилади. Хизмат кўрсатишнинг энг юқори даражасига ташкилот барча ресурсларини юқори даражада мобилизация қилиш ҳисобидан эришилади.

Инновацияларни жорий этаётганда, асосий диққат мижозлар муаммоларини мажмуавий ва тизимли ҳал қилиш қобилиятига қаратилади.

Мижозларга хизмат кўрсатишда, Жамият қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

- хизматларнинг максимал сифатини таъминлаш;
- мижозларга хизмат кўрсатишда тезкорлик, улар талаб ва эҳтиёжларига жадал жавоб беришга эришиш;
- мижозлар билан ўзаро алоқада ҳамкорлик ёндашувини ўрнатиш.

Бунда Жамиятда ходимларни мижозларга ҳалол ва тезкор хизмат кўрсатишда, ходимларнинг самарадорлигини ошириш ва тўғри мотивация қилиш учун Кадрлар ҳисоби ва маош бошқаруви учун электрон HR-менежмент, KPI ва Мижозлар билан ишлаш ва сотув жараёнлари учун CRM (Customer Relationship Management) ахборот тизимлари жорий этилади.

26. Манфаатларнинг учталиқ мувозанатини таъминлаш (мижозлар, акциядорлар ва ходимлар). Ушбу Стратегия Жамиятнинг мижози, акциядори ва ходимлари манфаатлари ҳисобини юритади ва унинг мувозанатини таъминлашни кўзда тутди.

Бу уч тоифанинг манфаатлари нафақат бир бирига қарши, балки мос ҳам келади, чунки улар ўзаро бир бирига боғлиқ.

Мижозлар Жамият хизматларидан фойдаланганишдан тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш ва иқтисодий наф олишдан манфаатдор.

Хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси билан Жамият ўз ўрнида ўз ишининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишидан, арзигулик ижтимоий тўпламни қўлга киритишдан манфаатдор бўлган ишчи-ходимларини таъминлашга қодир.

Бу шартларни уларга Жамиятнинг акциядори ўз қарорлари билан таъминлаши мумкин, ва бунда акциядорнинг бош манфаати Ҳукумат томонидан Жамиятга юклатилган функцияларнинг тўлиқ ва тўғри бажарилишини таъминлашдан иборат бўлади. Бу шартларни маблағ тушумини таъминловчи мижозларнинг етарли сонини жалб қилиш ва сақлаб туриш ҳисобига амалга оширса бўлади.

VI. “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АЖНИНГ СТРАТЕГИК КОРПОРАТИВ МИССИЯСИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

27. Корпоратив миссия ва қадриятлар, стратегик мақсад ва вазифалар.

Жамиятнинг **корпоратив миссияси**: Инновацияларни жорий этиб, Жамият ўз мижозлари учун электрон тижорат соҳаси ва энергетика бозорида мажмуавий ечимларни таъминлайдиган энг мақбул муҳитни яратишга ва такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

Корпоратив қадриятлар: Стратегия, ресурслар ва тараққиёт. Инновациялар, ижодкорлик (креативлик) ва мажмуавийлик. Сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик.

Стратегия, ресурслар ва тараққиёт. Жамият ўзининг аҳамиятли ресурсларидан энг яхши усулларда фойдаланиш, бозорда ривожланиш ва етакчилик қилиш имкониятини берувчи стратегияларни ишлаб чиқишга ва жорий этишга ҳаракат қилади.

Инновациялар, ижодкорлик (креативлик) ва мажмуавийлик. Жамият ўз мижозларининг эҳтиёжларини мажмуавий (комплекс) ечиш учун фақатгина креатив ёндашув ва технологик, бошқарув ва сервис инновацияларни домий жорий этишга ҳаракат қилиши бозорда етакчи бўлишга олиб келади. Шунинг учун, Жамият доимо инновацияларда етакчи бўлишга интилади.

Сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик. Жамият диққатини мижозга қаратади ва бу ёндашувда сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик тамойилларига асосланади. Айнан ҳудди шу ёндашув, хизмат кўрсатишда етакчиликка ҳаракат қилиш, маблағ воситалари оқими, ривожланишнинг янги стратегияларига қаратилган ресурсларни ошириш имкониятини таъминловчи мижозларнинг содиқлигини (лояллигини) қафолатлайди.

VII. “ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АЖ СТРАТЕГИЯСИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА МЕХАНИЗМЛАРИГА ЎТИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

28. Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш ва Давлат томонидан юкланган асосий стратегик вазифаларни бажарилишини таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони билан тасдиқланган “2023-2030 йилларга

мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш Концепциясида кўзда тутилган қуйидаги асосий стратегик натижаларга эришилади:

- йилнинг исталган кунда, жумладан, ўта юқори юкланиш (талаб максимал бўлган) даврларида истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби тўлиқ қондирилишига;

- республикада электр энергиясининг таъминот сифати, ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлашга;

- электр энергиясининг нархи асоссиз оширилмаслигига;

- электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорлари шаклланиши натижасида ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар ўртасидаги шартномалар онлайн равишда бозор талаб ва таклифларига мувофиқ шаклланган нархларда тузилишига ва ваколатли истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмоли, таъминотчиларнинг харажатлари, электр энергиясини ишлаб чиқаришга мобайнида фойдаланилган энергия ресурсларини истеъмол қилиш ҳажмлари оптималлаштирилишига;

- ҳудудларда таъминотчиларнинг сони ошишига, истеъмолчилар томонидан танлаш имконияти яратилишига ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг доимий яхшиланишига;

- электр энергетика соҳасида рақобат муҳити шаклланиши ҳисобига хусусий электр станциялари қурилишида давлат кафолатисиз инвестициялар жалб қилинишига.